

Бақара сураси, 57-оят

09:05 / 05.09.2017 3170

Ва устингизга булутни соябон қилдик, сизга манн ва беданаларни туширдик. «Ризқ қилиб берган нарсаларимизнинг покларидан энглар». Бизга зулм қилмадилар. Лекин ўзларига зулм қилар эдилар. Бақара 57.

Ўша вақтда Бану Исроил қақроқ чўлда, қуёш қиздириб турган маконда яшар эдилар. Маълумки, ҳаво исиб, қуёш қиздириб берса, чўл жаҳаннамга айланиб кетади. Ана ўшандай ҳолатда Аллоҳ таоло Бану Исроилга Ўзининг навбатдаги неъматини ато қилди.

«Ва устингизга булутни соябон қилдик, сизга манн ва беданаларни туширдик. «Ризқ қилиб берган нарсаларимизнинг покларидан энглар».

Ривоятларда келишича, Аллоҳ таоло мазкур жазирама саҳрога бир булутни юборган экан. У келиб, Бану Исроилнинг бошига соя солиб турибди. Шу билан улар роҳат ва фароғатга эга бўлибдилар. Аллоҳ уларга таом ва шароб учун осмондан манн ва бедана туширибди. «Манн» нима экани тўғрисида тафсирчиларнинг таърифлари кўп.

Ибн Касийр раҳматуллоҳи алайҳининг айтишларича, «Манн шундай нарсаки, унинг ўзини еса, таом ва ширинлик бўлади, сувга қўшиб ичса, ичимлик бўлади. Бошқа нарсаларга қўшса ҳам бўлаверади».

Уларни туширгандан кейин Аллоҳ таоло уларга:

«Ризқ қилиб берган нарсаларимизнинг покларидан энглар», – деди. Гапнинг боришига қараганда, Бану Исроил бундай ҳолга ҳам шукр қилмаган кўринади. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло оятнинг охирида:

«Бизга зулм қилмадилар. Лекин ўзларига зулм қилар эдилар», – демоқда.